



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Оила ва
Хотин-қизлар давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари

 О. Парпиева

“4” июль 2022 йил

Вакант лавозимларига ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш бўйича Танлов комиссияси 8-БАЁНИ

Тошкент шаҳар

2022 йил “4” июль

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
Кичик мажлислар зали

Танлов комиссияси раиси:

О.Парпиева -Ўзбекистон
Республикаси Оила ва хотин-қизлар
давлат қўмитаси раисининг биринчи
ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Р.Турдиева – Қўмита раисининг
ўринбосари,

З.Искандарова – Бошқарма бошлиғи,
Касаба уюшмаси раиси

Н.Матякубова – Юридик бўлим
бошлиғи

М.Махмудова – Бўлим бошлиғи

Р.Мирхолиқова – Бўлим бошлиғи

Таклиф этилганлар:

Х.Имомов -Ўзбекистон
Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш
агентлиги масъул ходими.

А.Эргашев – Коррупцияга қарши
курашиш агентлиги масъул ходими

Комиссия котиби:

И.Тлеубергенова–Инсон ресурслари
ва комплаенс назорат бўлими бош
мутахассиси

Йиғилиш кун тартиби:

1. **Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш, бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими бошлиғи,**
2. **Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси (комплаенс назорат бўйича),**
3. **Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни олдини олиш ва ижтимоий реабилитация қилиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи лавозимига ўтказилган суҳбат якунлари тўғрисида.**

Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш, бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси (комплаенс назорат бўйича), Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси лавозимларига <https://vacancy.argos.uz> сайтида жорий йилнинг 8 ва 13 июнь кунлари очик танлов эълон қилинди.

Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш, бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими бошлиғи лавозимига 24 та, Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси лавозимига 36 та, Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси лавозимига 30 та аризалар келиб тушди.

Жами 90 нафар номзодлар ичидан малака талабларига мос келган 9 нафар номзодлар саралаб олинди ва танловнинг суҳбат босқичига ўтказилди.

Малака талабларига мос келган 9 нафар номзодларга суҳбат босқичига ўтганлиги ҳақида хабардор қилинди.

Рўйхатлар илова қилинади.

Барча номзодларга танлов комиссия аъзолари томонидан соҳага оид саволлар берилди.

Хусусан, Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитасининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Миллий дастур ҳақида нималарни биласиз?

Коррупцияга қарши курашишда соҳасида миллий қонунчилигимиздаги қайси ҳужжатларни биласиз?

Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этишнинг устувор вазифалари нима деб ўйлайсиз?

Коррупцияга қарши курашишда “коррупция”, “манфаатлар тўқнашуви”, “коррупцияга қарши комплаенс назорат тизими”, “ички аудит” каби тушунчалар ишлатилмоқда. Мазкур тушунчалар ҳақида биласизми?

Маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун моҳияти, шунингдек, Президентимизнинг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун моҳияти тўғрисида саволлар берилди.

Танлов комиссияси танлов иштирокчиларининг саволларга тўғри ва аниқ жавоб бериши, уларнинг иш тажрибаси, соҳавий билимини эътиборга олиб қарор қилади:

1. Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш, бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими бошлиғи лавозимига номзод Алиева Шахло Рахимжонова суҳбат жараёнида иштирок этмагани учун, шунингдек номзод Пашшаева Мадина Махамаджонова бошқарув соҳасида етарли тажрибага эга эмаслигини инобатга олиб танловдан ўтмади деб ҳисоблансин.

2. Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш, бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими бошлиғи лавозимига номзод Каримова Нодира Атабоевна хотин-қизлар билан ишлаш соҳасида етарлича иш тажрибасига, саволларга тўғри ва аниқ жавоб берганлигини инобатга олиб ушбу лавозимга тавсия этилсин.

3. Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси (комплаенс назорат бўйича) лавозимига номзодлар Эргашов Исроил Хасанович, Сабирова Камола Рустамовналарнинг бошқарув соҳасида, шу жумладан комплаенс назорат бўйича иш тажрибасига эга эмаслигини инобатга олиб танловдан ўтмади деб ҳисоблансин.


4. Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси (комплаенс назорат бўйича) лавозимига номзод Саидқасимов Бахтияр Нишанбаевичнинг соҳада тажрибага эга бўлганлиги, берилган саволларга тўғри ва аниқ жавоб берганлигини инобатга олиб ушбу лавозимга ишга тайинлаш тавсия этилсин.


5. Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси лавозимига ҳужжат топширган Эшмуминов Фарход Оқмирзаевич, Тойирова Лайло Нарзуллаевналар – танловнинг суҳбат босқичида иштирок этмаганлигини инобатга олиб танловдан ўтмади деб ҳисоблансин.


6. Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси лавозимига номзод Тагаева Гузат Кучкаровна соҳа бўйича берилган барча саволларга тўғри ва

аниқ жавоб берганлиги, компетентли ходим эканлигини инобатга олиб ушбу лавозимга тавсия этилсин.

Танлов комиссияси аъзолари:


_____ Р.Турдибоева



_____ З.Искандарова


_____ Н.Матякубова


_____ Р.Мирхоликова


_____ М.Махмудова

Танлов комиссияси котиби:


_____ И.Тлеубергенова